

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Ўзгидромет Бош директори  
ўринбосари**



**И.Каримов**

**2022 йил “ 17 ” январь**

**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази  
Хайъат йиғилишининг 2-сон  
БАЁНИ**

2022 йил 17 январь

Тошкент шаҳри

**Раислик қилди:** И.Каримов - Ўзгидромет бош директори ўринбосари

**Қатнашдилар:** Ф.Сафаров - Бош директор ўринбосари, марказий аппаратнинг бошқарма, бўлим бошлиқлари ва масъул ходимлари, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, Метеоинфоком ДМ, Тошкент гидрометеорология техникуми раҳбарлари *(рўйхат бўйича)*

**КУН ТАРТИБИ:**

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича 2022 йил баҳор мавсумида амалга ошириладиган аниқ манзилли чора-тадбирларни ўз ичига олган “йўл хариталари” нинг муҳокама этилиши ва тасдиқланиши тўғрисидаги 8/1-3073-сон топшириғи ижросини таъминлаш ҳақида.**

Кун тартибидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, Хайъат

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича 2022 йил баҳор мавсумида амалга ошириладиган аниқ манзилли чора-тадбирларни ўз ичига олган “йўл хариталари” нинг муҳокама этилиши ва тасдиқланиши тўғрисидаги 8/1-3073-сон топшириғи ижросини таъминлаш бўйича**

*(Каримов, Сафаров, Қориев, Халияров, Нарзуллаев... Каримов)*

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича 2022 йил баҳор мавсумида амалга ошириладиган аниқ манзилли чора-тадбирларни ўз ичига олган “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси (Нарзуллаев):  
2022 йил 25 январга қадар тасдиқланган “йўл харитаси” бўйича  
маълумотни Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

“Йўл харитаси” ижроси бўйича ҳар ойнинг якунига қадар Вазирлар  
Маҳкамасига ахборотни киритиб борилишини таъминласин.

Котиб МБИваИИБ бошлиғи в.б.

Д. Қориев

Келишилди:

Бош директор ўринбосари

Ф. Сафаров

Гидрометеорология хизмати марказида “Яшил макон” умумийллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича  
ЙЎЛ ХАРИТАСИ

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Масъуллар
I.	Кўчат экиладиган ер участкаларини аниқ дислокацияси (манзилли рўйхат) ҳамда экиш режалаштирилган кўчатлар сони ва уларни жойлаштириш схемаси бўйича	Марказий аппарат, қуйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан кўчат экиладагиган ҳудудларни дислокация схемасини тузиш мақсадида, бошқарма станция ва постлар жойлашган тупроқ-иқлим шароити, суғориш тизим имкониятлари ва кўкаламзорлаштирилганидан келиб чиққан ҳолда ўрганиб чиқиш ва маълумот тайёрлаш. Ўрганишлар нагижаси бўйича тайёрланган маълумотлар асосида марказий аппарат, қуйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан кўчат экиладагиган ер майдонларини дислокация схемасини тузиш.	2022 йил 15 январь	Қуйи тизим ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари
i.	Қуйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар гидрометеорология бошқармаларида кўчат экиладиган ҳудудларини аниқ схемасини тузиш.	Марказий аппарат, қуйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан тайёрланган дислокация схемаларини кўриб чиқиш (зарурат бўлганда) тегишли ўзгартариш киритиш ва умумлаштириш.	2022 йил 16 январь	Қуйи тизим ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари
			2022 йил 20 январь	Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров, А.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи



<b>Ш. Кўчатларни агротехник қоидалар асосида экиш, парваришлар ва кўкаламзорлаштириш бўйича</b>				
5.	Кўчатларни экишдан олдин агротехника ишларини олиб бориш.	Кўчатлар экиладиган ер майдонларида тупроққа ишлов бериш, текислаш, култивациялаш, тупроқ унумдорлигини минерал ўғитлар билан бойитиш. Марказий аппарат, қуйи тизми ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилояти ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан тузилган схемага асосан танлаган кўчатларни (худудларни иқлим шароити ҳамда кўчатларни тури ва навига кўра) кетма-кетликда экиш.	2022 йил 25 февраль	Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров, А.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи, қуйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари
6.	Манзарали, мевали ва бута кўчатларни экиш	Марказий аппарат, қуйи тизми ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилояти ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан тузилган схемага асосан танлаган кўчатларни (худудларни иқлим шароити ҳамда кўчатларни тури ва навига кўра) кетма-кетликда экиш.	2022 йил 28 февраль	Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров, А.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи, қуйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари
7.	Кўчатларни парваришлаш.	Экилган кўчатларни мунтазам тизимли равишда суғориш, парваришлаш ва зараркунандалардан химоялаш (Ўзгидромет агрометеоролог мутахассислар ва ўсимликларни химоя қилиш агентлиги худудий бўлинмалари билан ҳамкорликда)	Доимий	Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров, А.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи, қуйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари
<b>IV. Кўчатларни суғориш тизимини жорий этиш бўйича ҳамда парваришлаш ва кўчатларни харид қилиш ишларини молиялаштириш бўйича</b>				
8.	Суғориш тизимини йўлга қўйиш ва парваришлаш.	Марказий аппарат, қуйи тизми ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларида ишчи гуруҳ ташкил қилиш. Ишчи гуруҳ томонидан экиладиган ва экилган кўчатларни суғориш тизимини аниқлаш. Кўчат экилган худудларда суғоришни ташкиллаштириш (арик, ховуз, дарё, қўллардан суғориш имкони мавжуд худудларда ирригацион тизимни тиклаш, ариқларни ўзанини тозалаш, чуқурлаштириш ва хоказо). Артезиан қудуқ ва насос қурилмаларни ўрнатиш ҳамда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини жорий этиш.	2022 йил 15 январь  2022 йил 28 январь  2022 йил 1 март  2022 йил 3 март	Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров, А.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи, қуйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари
9.	Кўчатларни харид қилиш.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман хокимликлари ва тегишли ташкилотлар билан учрашув ташкил қилиш.	2022 йил 20 февраль	Қуйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқарма бошлиқлари

2.	<p>Марказий ашпарат, қўйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари жойлашган тупроқ-иқлим шароити, суғориш тизими имкониятларидан келиб чиқиб экиладиган кўчатлар ва буталар сонини белгилаш.</p> <p>Марказий ашпарат ва қўйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан тақдим этилган экиладиган кўчатлар сонини умумлаштириш.</p> <p>Ўзгидромет тизими бўйича умумлаштирилган (вилоят ва туман кесимида) кўчат экиладиган ер майдонларининг аниқ дислокация (манзилли рўйхати)ни, кўчатлар сони ва уларни жойлаштириш схемасини тузиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.</p>	<p>2022 йил 25 январь</p> <p>2022 йил 28 январь</p> <p>2022 йил 25 январь</p>	<p>Қўйи тизми ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари</p> <p>Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров, А.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи</p>
<b>II. Манзарали ва мевали кўчатларни танлаш ва етказиб бериш бўйича</b>			
3.	<p>Экиладиган манзарали, мевали ва бута кўчатларни (нави, тури)ни аниқлаш.</p>	<p>2022 йил 1 февраль</p> <p>2022 йил 3 февраль</p>	<p>Қўйи тизми ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари</p> <p>Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров, А.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи</p>
4.	<p>Экиладиган манзарали, мевали ва бута кўчатларни етказиб бериш.</p>	<p>2022 йил 10 февраль</p>	<p>Қўйи тизми ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари</p>



		Гидрометеорология маълумотлари алмашуви асосида зарур бўлган кўчатларни харид қилиш.	2022 йил 25 февраль	Қуйи тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари
<b>V. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида экилаётган кўчатлар ҳисобини юритиш ҳамда амалга оширилаётган ишлар самардорлигини мониторинг қилиб бориш</b>				
10.	"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида экилаётган кўчатлар назоратини ва ҳисобини юритиш бўйича марказий ва ҳудудий штаб тузиш.	Марказий аппарат раҳбарияти ва масъул ходимлар таркибидан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчатлар экилишини назорати ва ҳисобини юритиш бўйича марказий штаб ташкиллаштириш.	2022 йил 10 февраль	Бош директор ўринбосари Ф.Сафаров, А.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи
11.	Ҳисоботлар назоратини олиб бориш.	"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида экилаётган кўчатлар ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш бўйича вилоятлар кесимида ҳудудий штабларни ташкиллаштириш.	Ҳар куни	
12.	"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида экилаётган кўчатлар ҳисоби юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб бориш.	Ҳудудий штаблардан келаётган кунлик экилаётган кўчатлар ҳисобини умумлаштириб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш	Ҳар 10 кунда	